
Сух тумани давлат хизматлари марказида тадбир бўлиб ўтди



Сух тумани давлат хизматлари марказида тадбир бўлиб ўтди

Ҳаммамизга маълумки, 27 февраль куни Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раислигида тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Ўтказилган видеоселекторда Президент халқнинг реал бандлигини таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш лозим эканлиги ҳақида гапирди.

Сух туманида ҳам ҳукумат видеоселекторидаги Президентимиз томонидан билдирган фикр ва таклифларни амалга татбиқ этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, видеоселекторда субсидиялар олиш учун аризалар Давлат хизматлари маркази ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилиши белгиланди. Куни кеча Сух тумани ДХМ биносида ушбу масалага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Қайд этилган масала юзасидан тадбир иштирокчиларига тўлақонли маълумотлар берилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябр куни қабул қилинган "Ипотека кредит механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги ПФ -5886 сонли фармоннинг мазмун-моҳияти ҳам барча ДХМ ходимларига тушунтирилди. Ўқув дарси шаклида ўтган тадбирдан ходимлар ўзлари учун зарур маълумотларни олиш билан бирга, қизиқтирган саволларига мутахассислардан зарурий жавоблар олишди.

Мухтор Саидахметов - Сух туман ДХМ директори

2020-03-02 17:30:27